

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (12.585)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 242-умумтаълим мактабининг 1-синфда инглиз тили дarsi. Жажжи ўқувчилар чет тилида бурро-бурро сўзламоқда. Ўқитувчининг «Where is your motherland?» деган саволига «Our motherland is Uzbekistan!» дея жўр бўлиб жавоб беради.



Қарор ва ижро

ТИЛ БИЛГАНГА ДУНЁ КЕНГ

Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси қаратилаётган улкан эътибор самараси, — дея изоҳ беради ёнимда ўтириб дарсни кузатаётган мактаб директори Лариса Хушбоқова. — Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бизнинг мактабимизда ҳам инглиз тили биринчи синфдан бошлаб ўқитилмоқда. Болаларга тушунарли ва қизиқарли бўлиши учун дарслар турли ўйинлар орқали, оғзаки нутқ шаклида, мультимедия технологиялари ва интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Масалан, инглиз тилидаги видеодастурлар, мультфильмлар, ранг-баранг расмлар, кўшиқ ва шеърлар болаларга манзур бўлмоқда. Содда сўзларни қўллаб, саҳна кўришлари уюштирилмоқда. Бу уларнинг инглиз тилида сўзлашиши тез ва яхши ўзлаштиришида муҳим омил бўлаётди.

Мактабнинг чет тили ўқитувчилари изланувчан, малакали кадрлар. Биринчи синфларга инглиз тили фанини ўқитиш бўйича ўзига хос услуби билан танилган ёш мутахассис Дилдора Асқарова яқинда туман миқёсда ўтказилган танловда голиб бўлиб, шаҳар босқичига йўллانма олди. Унинг инглиз тили сабоқларида ноанъанавий усуллар, янги педагогик технологиялардан фойдаланаётгани, ҳар бир дарсга масъулият билан ёндашаётганидан мактаб жамоаси ҳам, ота-онalar ҳам мамнун.

— My name is Habibullah, — дейди мактабнинг 1-«ж» синф ўқувчиси Хабибуллоҳ Ақромжонов. — Инглиз тили дарсини яхши кўраман. Унда ҳар гал янги сўз ўрганишимиз. Бугун фаслларнинг инглизча номларини ўргандик. Синфдошларимдан ўзиб кетиш мақсадида кўпроқ сўз ёд олишга ҳаракат қиламан. Келгусида дипломат бўлиш ниятидаман.

Ушбу билим даражасида замонавий таълим-тарбия олиш учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ синфхоналар видеопроекторлар, телевизор, компь-

ютер, кўргазмалар воситалари билан таъминланган. Ўқув-услубий ва бадиий адабиётларга бой кутубхона, кенг турдаги спорт инвентарлари билан жиҳозланган спорт зали ва майдонлар ўқувчилар ихтиёрида.

Чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш мақсадида турли семинарлар, очик дарслар ўтказилмоқда. Яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, бошқа фан ўқитувчилари ҳам инглиз тилини ўрганишмоқда.

Хорижий тилларни билиш жаҳон маданияти ютуқлари ва аҳборот ресурсларидан баҳраманд бўлиш имконини беради, халқаро мулоқотга кенг йўл очади. Бугун чет тилларни ўрганаётган болалар ана шундай юксак салоҳиятга, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб шаклланимоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири
Ёлқин Шамсидинов (ЎЗА)
олган суратлар

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ АНИҚ-РАВШАН БЕЛГИЛАБ ОЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси юзасидан Шанхай экспертлар уюшмаси вакиллари ўзларининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Цзянь Юаньюань, Шанхай ижтимоий фанлар академияси Миллий иқтисодий институтини хузуридаги Ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни ўрганиш маркази директорининг ўринбосари:

— Ўзбекистон раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси республикада қўлга киритилган муваффақиятлардан фохрланиш ҳамда истиқбол учун қилган ишонч туйғулариини уйғотиши билан ҳам эътиборга молик. У ўзбек халқининг фидокорлиги ҳамда меҳнатсеварлиги туфайли мамлакат бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганини яққол аниқлаш имконини беради. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг натижасидир.

«Жиззах» махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани Хитой ишбилармонларининг эътиборини ўзига тортгани ҳолда, Ўзбекистонга йўналтирилган сармоялар оқимини рағбатлантирди. Ислам Каримов маърузасида қайд этилганидек, 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатда 13 миллиард АҚШ доллари қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилган ва бу 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоиз кўпдир. Сармоянинг бундай барқарор оқими эса иқтисодий модернизациялаш, хорижий ишбилармонларга қулай инвестиция муҳитини ҳамда ишончли кафолатлар тизимини яратиш бўйича самарали йўл танлаб олинганининг яққол далолатидир.

Ли Синь,
Шанхай халқаро тадқиқотлар академиясининг Россия Федерацияси ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори:

Янги ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8 фоизни ташкил қилгани Ўзбекистоннинг қисқа ва узоқ муддатли вазибаларни аниқ-равшан белгилаб олгани ҳамда келгусида рўй берадиган ўзгаришлар юзасидан устувор йўналишлар тўғрисида танлаб олинганининг самараси ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада раванг топтиришга ишонч билдирилгани ҳам узоқни ўйлаб қабул қилинган қарордир. Ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодий тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келаётгани эса бу фикрни яна бир қарра тасдиқлайди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2014 йилдаги устувор вазибаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан қизғин иш олиб борилди.

2013 йилда қўмита томонидан қонунларнинг жойлар-

Матбуот анжуманида давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, юртимиз раванги ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида белгиланган кенг қўламли вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаш таъкидланди. Ушбу вазибалар ижросини таъминлашда мамлакатимизда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш, қонунлар ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу жараёнда жамоат тузилмаларининг ролини янада ошириш ва улар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда қўмитанинг 2014 йилдаги иш режаси хусусида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК

даги ижросини ўрганиш юзасидан бир неча назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хорижий мамлакатларнинг парламентаризм ва демократик ислохотлар соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда бу йўналишда эришилган тажрибаларни оммалаштириш юзасидан қатор халқаро анжуманлар, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилди.

бағишланган давра сўхбати ўтказилади.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги 256-умумтаълим мактабда «Алишер Навоий ғазал мулкчининг султони» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергейи ўқув спорт техника клуби унитар корхонасида туман ташкилотлари ва

ўқув муассасалари билан ҳамкорликда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Маданият саройида Ички ишлар вазирлиги ва Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш» лойиҳаси бўйича 2012-2013 йилларда олиб борилган ҳамкорликдаги ишлар натижалари ва 2014 йилда амалга оширилаётган вазибаларга

XXI саҳоси
АСР
Барча манбалардан олинган суҳбат хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда 2013 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазибалари ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда қабул қилинган «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан биринчи типли 12 марказий ҳамда иккинчи-учинчи типли 37 маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Янги марказлар — эски маданият уйлари ва клуб муассасаларидан фарқли равишда юридик шахс мақомига эга бўлди. Бу эса пулли хизмат кўрсатиш ҳисобига тушадиган маблағларни ўзи тасарруф этиш, ривожланишга йўналтирилган янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

• Андижонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижрога қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят адлия бошқармаси ва фермерлар кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда аграр соҳа тармоқларини модернизация қилишнинг долзарб масалалари: таклиф ва тавсиялар» мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• «IDC» тадқиқот компанияси маълумотларига кўра, яқунланган йилда дунё бўйича бир миллиард дондан кўп смартфон сотилган. Бу аввалги йилдагига нисбатан 38,4 фоиз кўпдир. Эришилган натижалар бўйича Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси рақобатчиларидан анча ўзиб кетган. Истеъмолчилар томонидан харид қилинган мобил қурилмаларнинг 31,5 фоизи айнан шу корхона маҳсулотлари ҳисобланиб, ундан кейингилар АҚШнинг «Apple», Хитойнинг «Huawei» ва Жанубий Кореянинг «LG» компаниялари эгаллади.

• Канададаги қариялар уйида содир бўлган ёнғин туфайли қурбон бўлганлар сони 14 нафарга етди. СТВ Newsнинг хабарига кўра, яна 18 нафар фуқаро бедарак йўқолган. Вафот этганларнинг жасадини излашга қаратилган ҳаракатлар кучли шамол ва совуқ сабабли қийинлашмоқда. Қолаверса, кутқарувчилар вайрон бўлган бино устини қоплаш 60 см. лик муз сабабли кутқарув ишларида махсус техникалардан фойдаланишга мажбур бўлишарди.

• Индонезиянинг Шарқий Ява музофотида муттасил ёққан ёмғир кўчкиларни келтириб чиқарди. Табиий офат туфайли ҳудуд инфратузилмасига жиддий зарар етган. Жумладан, кўплаб тураржой бинолари вайрон бўлган. Беш киши ҳаётдан кўз юмган. Уйлар остида яна ўнлаб одамларнинг қолиб кетгани айтилмоқда.

Дарҳақиқат, халқнинг турмуш даражасини юксалтиришда тадбиркорларнинг ўрни беқийбдир. Мустақиллигимизнинг дастлабки пайлариданоқ ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилингани фикримиз исботидир.

Барча бозор муносабатлари асосида ривожланган ҳуқуқий-демократик давлатлар қатори юртимизда ҳам тадбиркорлик субъектлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин ва унинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Шунингдек, тадбиркорларнинг фаолият йўналишлари ҳам хилма-хил бўлиб, улар қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлиқлар.

Тадбиркорлик субъектлари фаолият йўналишларига қараб қуйидаги иккита асосий гуруҳга ажратилиши мумкин:

Биринчи гуруҳ – асосий фаолият тури лицензия талаб қиладиган тадбиркорлик субъектлари.

Иккинчи гуруҳ – асосий фаолият тури лицензия талаб қилмайдиган тадбиркорлик субъектларидан иборат.

Тадбиркорлик субъектларининг бундай икки гуруҳга ажратилишининг сабаби, уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришнинг ўзига ҳослигидадир.

Масалан, асосий фаолият тури лицензия талаб қиладиган тадбиркорлик субъектлари

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида давлат рўйхатидан ўтказилади. Лицензия талаб қиладиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-И-сон Қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қиладиган фаолият турлари»нинг Рўйхати асосида белгиланади.

Жумладан, асосий фаолият тури лицензия талаб қиладиган тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган сўнг, рўйхатга олувчи органлар бу тўғрисида тегишли илова тўлдирган ҳолда тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги солиқ ва статистика органларини хабардор қилади. Солиқ органлари тадбиркорлик субъектига солиқ тўловчиликни идентификация рақамини (кейинги ўринларда – СТИР), статистика органлари эса, уларга корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлаги хос рақамини (кейинги ўринларда – КТУТ) беради ва мазкур органлар бу тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органларга маълум қилади. Рўйхатга олувчи органлар солиқ ва статистика идоралари томонидан берилган кодлар олинган сўнг, уларга гувоҳнома расмийлаштириб беради.

Бундан ташқари, сугурта, ломбард, аудиторлик ташкилотлари ҳамда ҳудудий улгуржи савдо базалари каби тадбиркорлик субъектларига нисбатан юқоридаги Низом талаблари билан бир қаторда улар фаолиятини тартибга соладиган бошқа норматив ҳужжатлар қондалари ҳам қўлланилади.

Иккинчи гуруҳга киририлган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил

24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Мазкур Қарор қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишни ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди.

Жумладан, 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир қаторда, уларни бир вақтни ўзида солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ҳақидаги асослантирилган қарор ҳужжатлар тақдим қилинган пайтдан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан 3 иш соати ичида қабул қилиниши белгиланди.

Шунингдек, иккинчи гуруҳдаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва статистика қўмиталарининг қарори билан тасдиқланган Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисидаги Йўриқномага асосан ҳам тартибга солинади.

Хусусан, мазкур Йўриқномада рўйхатга олувчи орган олдиндан тегишли ҳудудий статистика органига КТУТ хос рақамини олиш учун белгиланган шаклдаги сўровнома билан мувожаат қилиши, сўровномани олган давлат статистика органи эса, икки иш куни ичида керакли миқдордаги КТУТ хос рақамларини рўйхатга олувчи органга ажратиш бериши шартлиги белгиланган.

Шунингдек, юридик шахсларга КТУТ хос рақами рўйхатга олувчи органлар томонидан қатъий кетма-кетлик билан берилади. КТУТ хос рақамининг тўғри берилиши учун рўйхатга олувчи органлар масъул ҳисобланган ҳолда, юридик шахсга рўйхатга олиш вақтида берилган КТУТ хос рақамининг бошқа юридик шахсга қайтадан берилишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, статистика органлари рўйхатга олувчи орган томонидан берилган КТУТ хос рақамларининг улар томонидан ажратилган хос рақамларга мос келишини текшириб беради ва хатолар аниқланган тақдирда, бир иш куни давомида

электрон почта ёки факсимил алоқа орқали тегишли рўйхатга олувчи орган хабардор қилинади.

Аниқланган хато юзасидан рўйхатга олувчи орган, тегишли хабарномани олгандан сўнг бир иш куни давомида юридик шахсларнинг Давлат реестрига ўзгартириш кириштириб, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақида янги гувоҳнома расмийлаштириб, бу ҳақда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади ва унга янги гувоҳнома беради.

Юридик шахсларга КТУТ хос рақами берилгандан кейин, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан электрон почта алоқаси орқали юридик шахс томонидан аризада кўрсатилган почта манзилидаги солиқ органларига СТИР бериш учун белгиланган шаклда сўровнома юборилади.

Рўйхатдан ўтказилган яққа тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликлари учун эса, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан электрон почта алоқаси орқали жисмоний шахснинг паспорти бўйича турар жой манзилидаги солиқ органига СТИР бериш учун сўровнома юборилади.

Электрон почта алоқаси мавжуд бўлмаган ҳолларда СТИР бериш учун сўровнома факсимил алоқа орқали юборилади. Бунда СТИР бериш ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш вақти саккиз иш соатидан ошмаслиги лозим.

Шунингдек, солиқ органи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектларига СТИР бериш учун юборилган сўровномани белгиланган шаклга мос келмаслигини ёки хато ва камчиликлар билан тўлдирилганини аниқласа, рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу сўровномани қайта ишлаш учун бир иш соати ичида юборилади.

Солиқ органлари белгиланган шакллардаги сўровномаларни қабул қилиб олган, аниқ вақт режимида солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақамлари марказлаштирилган базаси орқали тадбиркорлик субъектига СТИР беради.

Тадбиркорлик субъектларига СТИР берилгандан кейин, солиқ органлари рўйхатдан ўтказувчи органларга тадбиркорлик субъектига СТИР берилганлиги тўғрисидаги маълумотномани электрон почта орқали юборди. Электрон почта алоқаси бўлмаган тақдирда СТИР берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома факсимил алоқа орқали юборилади.

Рўйхатга олувчи органлар томонидан солиқ органидан тегишли СТИР олингандан сўнг, тадбиркорлик субъектига рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилади.

Ухлоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон Қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида рўйхатдан ўтказилиши, солиқ ва статистика органлари томонидан бериладиган хос рақамларни рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан расмийлаштирилиши тадбиркорлар учун рўйхатдан ўтиш тизимини соддалаштириб, тадбиркорлик субъектларига янги гувоҳнома расмийлаштиришни қисқа муддатларда бажариш имкониятини яратиш бермоқда.

Камол ХАЛИКОВ,
Адлия вазирлиги
Юридик шахсларни
давлат рўйхатидан ўтказиш
бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси

Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан кейинги матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориши таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча рўсумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча рўсумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Ҳайтов): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қадыров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими
Б.Ғайбназаров

2014 йил 10 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



Қишнинг ҳам ўзгача зийнати бор

ЎҚУВЧИЛАР ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент юридик коллежи ҳамкорлигида «Парламент ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги сўзлашма маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур тадбирда Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Артикова ва қўмита аъзолари, коллеж маъмурияти ва ўқувчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Парламентарииз фаолияти ва гоғлари бўйича олган назарий билимларини амалиёт билан боғлиқ ҳолда бойитишдан иборатдир.

Давра суҳбати давомида Сенат қўмитаси раиси С.Артикова томонидан ёшларга Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг демократик асослари, мамлакатимиз Парламентининг миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш

соҳасидаги серкитра фаолияти юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатимизнинг Бош Қонуни қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги сўзлашма маърузасининг мазмун-моҳияти борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, мамлакат раҳбари томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши фарзандларимизнинг ҳар томонлама қомил инсон бўлиб етишишлари, юртимизда таълим-тарбиянинг ўрни ва сифатини янада кучайтиришни тақозо этаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Тадбир давомида Президент маърузасини энг чуқур ўзлаштирган коллежнинг бир неча ўқувчиларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, давра суҳбати якунида ўқувчи-ёшлар Сенатнинг ички тузилиши, иш фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг оғзаки номоддий маданий мероси деб тан олинган «Шашмақом мусиқий мероси» номли ноанъанавий кўرғазма намоиши ташкил этилди.

ЯНГИ НОАНЪАНАВИЙ ЛОЙИҲА

Мазкур мусиқий кўрғазма «OXUS Culture» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди. Жорий йилда иккинчи марта ташкил этилаётган «Шашмақом кўрғазмаси» ўзига хос экспериментал мусиқий лойиҳа бўлиб, бунда тингловчилар «Шашмақом» туркумига кирувчи барча олти мақом туркумларидан ноодатий тарзда баҳраманд бўлишлари мумкин.

— Ушбу мусиқий лойиҳанинг ўзига хос жиҳати шундаки, тингловчилар кўпчилик мусиқани концерт билан боғлашади, — дейди лойиҳа муаллифи Ҳусниддин Ато. — Мазкур лойиҳада эса биз анъанавий услубдан қочиб, мумтоз мусиқа ихлосмандларига «Шашмақом» туркумига кирувчи асарларни янгича талқинда, ҳеч қандай товуш кучайтирувчи воситаларсиз танбур, дутор, сато, доира, чанг, қўнай ва рубоб каби миллий чолғуларимизнинг асл, табиий оҳанглари ила тақдим этамиз.

Таъкидлаш кераклики, мусиқий асарлар профессионал созанда ва хонандалар томонидан ижро этилиб, тингловчилар хонандаларга ўтиш орқали барча мақомлардан намуналар тинглаш имкониятига эга бўлишади. Ушбу лойиҳа мамлакатимизнинг энг моҳир созанда ҳамда хонандалари Нодира Пирматова, Шавкат

Матёқубов, Бобур Кенжаев, Гулзода Худойназарова, Илёс Арабов, Ўктамжон Расулов, Мансур Воисов, Шухрат Холжўжаев, Зиёдjon Рўзимов, Феруза Очилова, Бекзод Сафаров, Мирғиёс Мухитдинов, Акмал Фахриев ва Фарангиз Зияевалар томонидан тайёрланган. Унда «Шашмақом»нинг чолғу қисми бўлмиш «Мушкулот» бўлимидан «Таснифи Бузрук», «Гардуни Бузрук», «Гардуни рост», «Мухаммаси Хусайний», «Таснифи Дугоҳ», «Гардуни Дугоҳ», «Хафифи сеғоҳ», «Гардуни сеғоҳ», «Мухаммаси Ироқ», шунингдек, ашула қисми бўлмиш «Наср» бўлимидан Навоий, Бедил, Бобур, Мунис, Атоий, Аваз, Оғаҳий, Феруз каби мумтоз шоирлар газаллари билан қўлланилган «Насри уззол», «Қашқарчаи савти калон», «Уфари савти калон», «Мўғулчаи Наво», «Талқинчаи Мўғулчаи Наво», «Қашқарчаи Савти Чоргоҳ», «Савти Чоргоҳ», «Ним Чўпоний», «Чамбари Ироқ» каби мақомларни ижро этмоқдалар.

Кўрғазмага ташриф буюрувчилар «Шашмақом»нинг олти бўлимида мавжуд ҳар бир мақомнинг ҳам «Мушкулот» (чолғу), ҳам «Наср» (ашула) бўлимларига кирувчи асарлардан тинглаш имкониятига эга бўладилар.

Дилшод РҶЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ АНИҚ-РАВШАН БЕЛГИЛАБ ОЛГАН»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодий вазиятларнинг доимий ўзгарувчанлигига ҳозиржавоблик ҳамда янги шарт-шароитларга тезкор мослашишга қодирлик кичик корхоналарнинг муҳим афзаллигидир. Шу маънода, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини кўлаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эгаки, унинг фаолияти ишбилармонлик операцияларини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда хориждан замонавий технологияларни жалб қилишга қўмаклашяпти.

Лю Цзюньмэй, Фудан университети Иқтисодиёт институтининг декан ўринбасари:

— Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда Хитойнинг қатор компаниялари қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашмоқда. Хитой

компаниялари иштирокида мобил телефонлар ишлаб чиқарилаётгани, Деҳқонobod ва Кўнғиротдаги заводларнинг модернизациялаштирилиши билан боғлиқ муҳим далиллар ҳам Президент маърузасида ўз ифодасини топгани хитойлик ишбилармонлар учун кучли рағбатлантирувчи омил саналади.

2013 йилда хитойлик шериклар билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида Ўзбекистон учун улкан стратегик аҳамиятга эга «Ангрен — Поп» йўналишида электрлаштирилган янги темир йўли ҳамда 19 километрлик темир йўл тоннелини куришни кўзда тутадиган лойиҳа ижроси бошлангани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ воқеалиқдир. У истиқболда Европа ва Осиё ўртасидаги трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб қолиши шубҳасиз.

«Жаҳон» АА, Шанхай

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларга муҳим эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар замирида халқимизнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, ёшлар тафаккурига теран фикрларни синдириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириб боришдек хайрли мақсадлар мужассам.

Анжуманлар

БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Пойтахтимиздаги «Саёҳат сари» ўқув марказида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази томонидан юқоридаги каби мақсадларни кўзда тутган ҳолда уюштирилган «Жамоатчилик асосида фаолият юритадиган тарғиботчиларнинг билим ва тажрибаларини янада ошириш» мавзусидаги беш кунлик ўқув-семинар ўз ишینی якунлади.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маънавият тарғибот соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар ўз билим-малакаларини янада оширишди.

Тадбир сўнггида тингловчиларнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Маънавият инсоннинг онгини бойитувчи, жамиятни ривожлантирувчи қудратли кучдир, — дейди Маънавият тарғибот маркази Фаргона вилояти бўлими бошлиғи Файзулла Зоҳидов. — Аслида маънавият инсон онгига она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан сингади. Бугунги кунда аҳолини, аynиқса, ёш авлодни юксак маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан уюштирилган беш кунлик ўқув семинарда ҳам маънавий қадриятлар ва маънавий мерос, руҳий баркамоллик, нафосат ва гўзаллик, қобилият ва истеъдод, умуминсоний қадриятлар жамланмаси доирасида турли маърузалар тингладик. Бу келажакда ўз устимизда янада фаоллик билан ишлашга рағбат ва замин яратди.

— Ушбу ўқув машғулотлари барнамизга жуда манзур бўлди, — суҳбатга қўшилди Хоразмдан ташриф буюрган

Зайнаб Обидова. — Биз бу ерда олган билимларимизни жойларда аҳолининг кенг қатламларига етказишга ҳаракат қиламиз. Келгусида аҳоли, аynиқса, ёшлар онгу тафаккурида эртанги кун мазмунини бойитиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларни бунёдкорлик ишларига ундаш, асосийси, инсон тарбияси билан боғлиқ масалаларга чуқур эътибор қаратган ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қиламиз.

— Беш кун давомида жуда қизиқарли ва сермазмун маърузалардан баҳраманд бўлдик, — дея ўз фикрларини баён этди самарқандлик Фарход Набиев. — Пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдик. Асосийси, вилоятдаги ҳамкасбларимиз билан танишиб, фикр алмашишга, тажрибаларимизни ўзаро ўртоқлашишга муваффақ бўлдик.

Тадбир якунида ўқув-семинар иштирокчиларига сертификат ва маънавий-маърифий ишларни олиб боришда қўл келадиган дастуруламал журнал, дискетлар жамланмаси тақдим қилинди.

Дарҳақиқат, Ўртбошимиз айтганларидек, «Маънавиятда маънавий ҳалқ энгилмасдир, қолаверса, унинг келажак ҳам буюк бўлиши муқаррар». Қувонарли томони, мамлакатимизда маънавиятимизни, маданиятимизни оширишга ҳизмат қиладиган, қадриятларимизни қадрлашга, ёшларимизни зийракликка, огоҳликка чорлайдиган турли-туман анжуманлар, учрашувлар ва тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда ва улар албатта кишилар маънавий оламнинг юксалишига ҳизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Қўли гул хунармандларимизнинг сержило ишлари

Пойтахтимиздаги Камолитдин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида ижодкор-рассомлар, санъатшунослар, педагоглар, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, турли касб эгалари қатнашган давра суҳбати ҳамда «Гўзаллик яратишга интилиб» деб номланган альбом тақдимоти бўлиб ўтди.

Давра суҳбатидида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил январдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академияси қатор йиллар давомида ўзбек халқи миллий-маънавий меросининг ажралмас қисми бўлиб, ижодий, илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш муассасаси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган 2013 йилда аънавий VII Тошкент халқаро замонавий санъат биеналеси, «Тасвирий санъат фестивали», «Фикрлар парвози» каби қатор кўргазмалар, мамлакатимиз байрамлари, қўтулғ саналарни нишонлаш муносабати билан Бадий академия ҳамкорлигида ташкил қилинган қатор кўргазмалар, тадбирлар бўлиб ўтди. Кўргазмаларга қўйилган тас-

вирий санъатнинг турли йўналиш ва жанрларида яратилган асарларда, фотосуратларда мамлакатимизнинг гўзал табияти, тарихга айлланиб бораётган

Санъат

ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИБ

қадриятларимизни эслатувчи, турмуш тарзимиз тасвирланган шаҳар ва кишлоқларимиз қиёфаси, меъморий ёдгорликлари, бунёдкорлик, замонавий тураржойлар, беғубор болалик, спорт ҳаёти, маданиятимиз арбоблари, замондошларимиз портретлари ва ҳаётнинг турли қирралари акс этган. Уларда биз устоз-рассомлар аънаваларининг давомийлигини ҳам кўрамиз. Экспонатлар ёнидаги давра суҳбатлари,

мулоқотларда намоишга қўйилган асарлар санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди, илиқ фикрлар айтилди. Ёш рассомлар кўргазмаларда нафақат ўз ишлари билан қатнашди, балки уларнинг шахсий кўргазмалари ҳам ташкил қилинди. Ўтган йили Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатига бағишлаб қатор рангли каталог ва альбомлар чоп этилди. Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда хорижий мамлакатлар билан ижодий алоқалар янада ривожланди. Айни пайтда Ўзбекистон халқ усталари ва мўйқалам сохиблари ўз асарлари билан хорижий мамлакатлардаги йирик кўргазмаларда ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўтган давр мубайнида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ўтказилган барча тадбирлар миллий санъатимиз аънаваларини асраб-авайлаш, ривожлантириш, рассом, уста ва дизайнерларимизнинг ижодини ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга, жамият эстетик дидини ўстиришга қаратилди.

Шунингдек, тадбирда 2014 йилда амалга оширилган қатор устувор вазифалар ҳамда ноширлик йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш бўйича атрофича фикр юритилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

«Камолот»

КИТОБ — АҚЛ ЧИРОФИ

Чилонзор туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан Маънавият тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларни ёт гоьлардан сақлаган ҳолда китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш, бадий адабиётга ошно қилиш мақсадида «Китобхоналар байрами» ва «Китоб кўргазмаси» тадбири ташкил этилди.

Тадбирда тумандаги 32 та умумтаълим мактаблари, 4 та академик лицей ва 13 та касб-хунар коллежларидан жами 450 дан ортиқ ўқувчи-ёшлар ҳамда ҳаракат аъзолари, бошлангич ташкилот этиракчилари, устоз-мураббийлар иштирок эттишди.

Қатнашчилар кўргазмага ташриф буюриб, юртимизда фаолият олиб бораётган нашриётларда чоп этилган ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтиришга ҳизмат қилув-

Халқимиз китобни бежиз ақл чироғи дейди. Дарҳақиқат, билимнинг улуглигини белгилловчи, теран фикрлашга ёрдам берувчи, бу — китобдир.

чи адабиётлар, болалар шоир ва ёзувчилари қаламига мансуб романлар, қиссалар, ҳикоялар ва эрталар тўпламлари, адибларимизнинг сайланма асарларидан харид қилишди.

— Китоб ўқиган инсонни алоҳида ҳурмат қиламан, чунки ҳар қандай бадий асарда инсонни улугловчи, уни эзгуликка чорловчи, яхши амалларни бажаришга ундовчи бунёдкорлик гоьлари муҳассамдир, — дейди «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдинов. — Бугун интернетдаги ижтимоий тармоқларда соатлаб вақтларини беҳуда сарфлаб эвазига ҳеч қандай маъ-

навий озиққа эга бўлмаётган айрим ёшлар ҳам ташкил этилган китоб кўргазмаларида фаол иштирокчига айланади, ўзи учун китоб харид қилиб, унинг мутолаасидан сўнг яқин дўстига ўқиб учун тасвия этганда биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга тўлақонли эришган бўламиз.

Маъзур тадбир давомида иштирокчиларга мустақиллик йилларида юртимизда чоп этилган шоир ва ёзувчилар, драматургларнинг сара асарлари намоиши ташкил этилиб, ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар» мавзусида Республика илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ТИЛШУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Унда юртимиздаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар иштирок этишди. Маъзур анжуман давомида хорижий тилларни ўқитишда замонавий лингвистик йўналишлар, когнитив тилшунослик, грамматика, стилистика, фонологиянинг назарий ва амалий жиҳатлари, дискурсив таълим ва гендер тилшунослигининг долзарб муаммолари, тил ва маданият, қиёсий лингвомаданиятшунослик ҳамда лингвоконцептология, унда нуқт маданияти сингари масалалар илмий муҳокама қилинди. Шунингдек, хорижий тилларни ўқитишда за-

монавий ахборот-коммуникация технологиялари ва малакалар интеграциясининг ўрни, ўқувчи-талабаларнинг чет тилларни ўрганишга қизиқиши, яъни мотивациясини кучайтириш йўллари хусусида маърузалар тингланди.

Университет илмий ва илмий кадрлар тайёрлаш бўлимининг таъдири Гўзал Эргашеванинг муқаддаслиги, бўлимга анжуман иштирокчилари томонидан тақдим этган мавзуга оид илмий материаллар тўплам ҳолида чоп этилиши режалаштирилган.

Азизжон ТОШТЕМИРОВ, ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Соғлом бола йиллида шахримиз туманларида аҳоли, аynиқса болалар саломатлигини яхшилашга муҳим эътибор қаратилиб, жойларда профилактик мақсадларда аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликларни даволашга киришилмоқда.

Жумладан, Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника жамоеси ҳам хайрли мақсадларни кўлаб, беш кун давомида «Хайрбод», «Тинчлик» ва «Яккатут» маҳаллалари аҳли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Тиббий муассасамиз тумандаги ўн та маҳаллада истиқомат қилувчи 42 миң аҳолига ҳизмат кўрсатади, — дейди 35-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Ҳамидова. — Тиббий кўрикни уюштиришдан мақсад аҳолининг соғлигини тўлиқ муҳофаза қилган ҳолда янги касалликларнинг олдини олишдир. Бунда юз фоиз аҳоли қамраб олиниб, улар умумий амалиёт шифокорлари бошчилигида барча тур мутахассислар — қўлоқ, томоқ, бурун, кўз касалликлари, эндокринолог, ортопед-травматолог, гинеколог, жарроҳ кўригидан ўтказилди, саломатликка УЗИ, рентген, электрокардиограмма тиббий анжуманлари орқали текширилади. Ётиб қолган беморлар, кексалар саломатлиги шифокорларнинг уйларида бориб текширишлари орқали назоратдан ўтказилди.

Шахримизнинг бошқа туманларида ҳам шундай тадбирлар ташкил этилмоқда.

Даврон НУРМАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧК бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдога Учтепа туман СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтохур туманлараро судининг 29.03.2012 йилдаги 1-1105/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лолазор 1-тор кўчаси, 52-йўлда жойлашган, умумий ер майдони 350,0 кв.м., фойдаланиш майдони 229,40 кв.м., бўлган 5 та яшаш хонаси, 2 та холл, даҳлизи, ошхона, 2 та ҳаммом, зинапо, 2 та сўянбандан иборат уй-жой тақдоран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 179 000 000 сўм.

Савдо 2014 йил 24 февраль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 21 февраль кuni соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧКнинг «Илқ йўли» банкига ОАИТВ CarBon фддги 20208000904920609114, МФО: 01036, УИИН: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамши кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«SPARETRA» МЧК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3700/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Isuzu Saz NQR 71 PL» д.р. 10 014 КАА. Бошлангич баҳоси — 34 596 181 сўм. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3700/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Isuzu Saz NQR 71 PL» д.р. 10 016 КАА. Бошлангич баҳоси — 34 671 721 сўм. 3. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3700/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Isuzu Saz NQR 71 PL» д.р. 10 021 КАА. Бошлангич баҳоси — 33 939 387 сўм. 4. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3700/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Isuzu Saz NQR 71 PL» д.р. 10 024 КАА. Бошлангич баҳоси — 34 580 781 сўм. 5. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3700/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Isuzu Saz NQR 71 PL» д.р. 10 095 ДАА. Бошлангич баҳоси — 34 682 853 сўм. 6. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3700/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Isuzu Saz NQR 71 PL» д.р. 10 749 КАА. Бошлангич баҳоси — 45 112 835 сўм. МЧК «Sarco Distribution» да сакланмоқда. 7. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11382/24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Эплика» д.р. 10 098 ОАА. Бошлангич баҳоси — 51 100 814 сўм. 8. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11382/24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Ласетти 1,8 GM UZ» д.р. 10 095 ОАА. Бошлангич баҳоси — 39 210 828 сўм. 9. Зангиота тумани СИБ томонидан № 2099/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 2002 й. и.ч. «Волво» д.р. 50 У 517 DA ва 2002 й. и.ч. «Schmitz» д.р. 50 1852 AA. Бошлангич баҳоси — 183 990 000 сўм. МЧК «Кўктерак Матбуот Инвест» да сакланмоқда. 10. Зангиота тумани СИБ томонидан 22.08.2013 й. № 9235/24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. «Ласетти 1,8 GM UZ» д.р. 10 732 FAA. Бошлангич баҳоси — 43 213 000 сўм. Тошкент вилояти Зангиота тумани, ИИБ ДЙХХБ жарима майдончасида сакланмоқда. 11. Зангиота тумани СИБ томонидан № 8806/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. «Камаз-5511» д.р. 10 130 ВАА. Бошлангич баҳоси — 33 324 690 сўм. МЧК «TEHNO-DROB-INVEST» да сакланмоқда. 12. Зангиота тумани СИБ томонидан № 2533/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. «Камаз-53212» д.р. 10 О 3882. Бошлангич баҳоси — 20 565 090 сўм. 13. Зангиота тумани СИБ томонидан № 2533-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. «Камаз-53212» д.р. 10 J 930 СА. Бошлангич баҳоси — 21 476 490 сўм. МЧК «Бурхон Савдо» да сакланмоқда. 14. Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 22.10.2013 й. № 14475/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 S 644 EA. Бошлангич баҳоси — 19 152 000 сўм. «Автомато Хаваскор Ганга» МЧЖда сакланмоқда. 15. Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 25.01.2013 й. № 671/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. «BMW 316i» д.р. 01 Z 091 СА. Бошлангич баҳоси — 27 632 745 сўм. 16. Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 28.06.2013 й. № 8484/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «AUDI Q7» д.р. 01 У 747 ВА. Бошлангич баҳоси — 121 196 250 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 20 февраль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юридик автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларига тақлиф этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангич баҳоси бир иш кuni қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧКнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАИТВ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604. Аукцион гоьлиб сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қиймати 5 банк кuni мубайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593, 07.02.2011 й.



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

Президентимиз Ислам Каримов жорий йил 28 январь кунни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги ййғилишида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига янада кенг имконият яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.



2014 йил — Соғлом бола йили

АСОСИЙ МАҚСАД – ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом бўлиб вояга етишини, замонавий таълим-тарбия олишини, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиршини истайди, унга қулай шароит яратишга интилади. Боласининг шодон кулгисидан ўзини бахтиёр ҳис қилади, эришган ҳар бир ютуғидан фахрланиб юради. Президентимизнинг «Ожаск маънавият – энгилмас куч» асаридида қайд этилганидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди спорт мактаби директори Михаил Алиев. — Муассасамиз спорт мактаби макomini олгач, тарбияланувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, машғуллотларни юқори савияда ташкил этиш, ёшларнинг мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Очқик футбол майдони, муҳташам спорт зали, баскетбол, волейбол майдонлари ёшлар ихтиёрида. Секцияларимиз зарур барча спорт инвентарлари ва ускуналари билан тўлиқ таъминланган. Ёшларга 23 нафар юқори малакали мураббий спорт сирларини пухта ўргатмоқда.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар эгаллашига кенг имконият яратишга доимий эътибор қаратиб келинаётир. Биргина болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар самараларини бугун юртимизнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин.

Ана шундай қулай шароит ва тизимли машғуллотлар туфайли спорт мактаби тарбияланувчилари ўтган йили шаҳар ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда 26 олтин, 29 кумуш, 27 бронза медални қўлга киритди. Айниқса, ўзбек жанг санъати секциясида шуғулланаётган ёшларнинг эришаётган натижалари салмоғи қувонарли. Кўп қарра мамлакат чемпиони — Шохруҳ Темиров, Жавахир Тошпўлатов, Беҳзод Турғунбоев, Махлиё Хусанбоева ва Гулчехра Тожибоева сингари иқтидорли спортчилар айнан ушбу секцияда маҳоратини оширгани бунинг далилидир.

Бундай кенг имкониятлар фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқшини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Ҳаётда ўз йўлини топиб, кўзлаган мақсадларимга эришишда спортнинг аҳамияти беқиёс, — дейди етти қарра Ўзбекистон чемпиони Гулчехра Тожибоева. — Олти йилдан бери ўзбек жанг санъати билан шуғулланман. Устозим Аҳдам Ҳайдаровдан миллий спортимизнинг сирларини пухта ўрганиб, ўзим ҳам мустақил тўғарак ташкил этиб, ўқувчиларга мураббийлик қиламан.

Спорт машғуллотларида жисмонан чиниққан, руҳан тобланган болалар турли мусобақаларда ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, улкан марраларни забт этмоқда. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида спорт билан шуғулланиб, қатор мусобақаларда юқори натижаларга эришаётган истеъдодли ёшлар кўп.

Мураббий Аҳдам Ҳайдаровнинг сўзларига кўра, бугунги кунда спортда катта натижаларга эришаётган ёшларга ҳавас қилиб, ушбу соҳага қадам қўяётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айни пайтда ўзбек жанг санъати секцияси тарбияланувчилари

февраль ойида ўтказиладиган мамлакат чемпионатида пухта тайёргарлик кўрмоқда.

— Ёшларимизда ўзим ҳам спортга жуда қизиққанман, — дейди ўғли Ҳожиакбарнинг машғуллотларини ҳавас билан кузатиб ўтирган Азимжон Пўлатов. — Лекин у вақтлар бугунгидек шароити имкониятлар қаёқда эди дейсиз, бизнинг орзу-ҳавасимиз маҳалладан нарига ўтмаган. Бирорта боланинг отаси ёки амакиси тўп олиб берса, ундан бахтиёр одам бўлмасди. Ҳолбуки, ўша тўпда футбол ўйнаш учун майдон ҳам йўқ эди, уни ўзимиз «ясардик». Бугун спорт билан мунтазам шуғулланаётган фарзандларимнинг соғлом ва бақувват бўлиб улғаяётганини кўриб, мустақиллигимизга шукрона айтаман, болалар спортни ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдираман.

44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритилган бокс, эркин ва юнон-рум кураши, бадминтон, футбол, стол тенниси, таэквондо WTF ва бадий гимнастика сингари спорт турлари ҳам тобора оммалашмоқда. Айниқса, бокс, эркин ва юнон-рум кураши билан шуғулланаётган ёшларнинг турли мусобақаларда қўлга киритаётган натижалари салмоқлидир.

Ҳа, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт иншоотларига мунтазам қатнаб, турли мусобақаларда галаба қозонаётган ўғил-қизларнинг кўксини медаллар шодаси беэмомқда. Бу медаллар уларнинг онгу шуурида Ватанимизга муносиб соғлом ва баркамол фарзанд бўлиш ҳамда унинг келажагига дахлдорлик туйғуси билан яшашдек эзгу орзу-интилишларни янада мустаҳкамламоқда.

**Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎзА мухбири**

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли расом Рихситилла Акрамовнинг «Сароб» номли шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

КЎРGAZMAДА ЗАМОН ВА ТАРИХ НАМУНАЛАРИ

Мазкур кўргазмадан 35 га яқин тасвирий санъат асарлари ўрин олган бўлиб, улар расомнинг ижодий услубини очиб беради. Мазкур асарларда ўзига хос шарҳона соддалик билан европача экспрессионизм, фовизмнинг янги ажиб синтези мавжуд. Бу композицияларнинг динамик ритмикасида, тўйинган рангларда силлиқ шакллардаги гротескнинг жонли ифодаси яққол кўриниб туради.

бўлгани сабабли сюжет асосан тунда содир бўлаётгандек таассурот уйғотилади ва ўзига хос сирли муҳитни намоён этади. Тундаги қаҳрамонлар ёрқин оқ рангларда тасвирланиши шакл ва фон ўртасидаги контрастни кучайтириб, ҳаётда қандай ҳодисалар содир бўлса ҳам инсон ҳамиша ўзининг юксак гоёлари ва қалб тугёнларига содиқ бўлиши лозимлигини ифодаляётгандек туюлади. «Абдиқат», «Оқшом», «Уйғониш», «Севги кўшиғи», «Кўз тегмасин!», «Кеча ва кундуз», «Асир», «Гўё», «Ташаккур Сизга!», «Тўфон», «Оила», «Сандиқ», «Онам тароғи», «Кўр қушча» сингари асарлар юқоридаги фикрларнинг ёрқин ифода ва намунаси бўла олади.

— Асардан асарга кўчүвчи асосий мавзу — қадимий ва ҳамиша замонавий, одатий ва майда ичкикирлардан холи бўлган эркак ва аёл тарихидир. Бу тарих расом томонидан эҳтирослар, нафислик ва хижронга йўғрилган афсона сифатида намоён бўлади, — дейди санъатшунос Н. Аҳмедова. — Унинг асарлари мураккаб рангтаъсир услублари уйғунлигидаги чуқур субъектив ифодага эга. Р. Акрамов инсоният муаммолари ҳақида Европа фалсафаси ва маданий аъналарни доирасида фикр юритади, ундаги руҳ ва тана орасидаги доимий кураш каби жараён, инсониятнинг атрофдаги олам билан алоқалари даражасида кўтарилади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 1961 йилда Тошкентда таваллуд топган расом 1980—1986 йиллар мобайнида Островский номидаги расомлик билим юртида тахсил олган. 1988 йилдан бошлаб кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчисига айланган. 1990 йилда АҚШ ва Англияда бўлиб ўтган галереяда, 1997 йили Нидерландияда ўтказилган хорижий кўргазмаларда иштирок этди. Расом саёхатларга кўп борса-да, пойтахтимизда яшаб, ижод қилади. Муаллифининг асарлари пойтахтимиздаги Бадий кўргазмалар дирекцияси, Тасвирий санъат галереяси ҳамда Германия, Италия, Бельгия, Голландия, Австралия, АҚШ, Испроил, Канада, Чехия, Россия каби давлатлардаги шахсий коллекцияларда сақланади.

Ўйлой САЙСУЛТОНОВА

Биласизми?

АНТАРКТИДА ҒАРОЙИБОТЛАРИ

Антарктида дунё харитасидаги биз учун энг олис ва инсон қадами кам етиб борган қитъа ҳисобланади. Жанубий кутбни биринчи бўлиб Росальд Амундсен забт этганди. Бу воқеага яқинда 102 йил тўлди. Ҳали музли ўлкада ўрганилмаган жойлар жуда кўп. Ғаройиботлар ҳам етарли. Қуйида ана шулардан айримлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ҚУРҒОҚЧИЛ ВОДИЙЛАР

Антарктиданинг қурғоқчил водийлари Ер юзидида энг сирли жойлардан ҳисобланади. У Мак-Мердо бўғозидан ғарбда 8000 квадрат километр майдонни эгаллайди. Антарктидани жонсиз қорли саҳро деб уйлайдиган кишилар Райт, Виктория ва Тейлор водийларини кўриб ҳайратга тушишлари табиий. Чунки биринчидан, бу ерда қорнинг ўзи йўқ. Ҳатто муз, ёмғир, туман ёки умуман ҳеч қандай ёғингарчилик бўлмайди.

Кейинги бир неча минг йил мобайнида қурғоқчил водийлар юзасига бир томчи ҳам намлик кўнмаган. Шунинг учун бу жойни сайёрамизнинг энг қурғоқчил ҳудуди дейишга ҳаққимиз бор. Бунга сабаб эса шу атрофда соатига 320 километр тезликда эсадиган ўта кучли шамолдир. Аммо тошли текисликлар қонли-қизғиш тусда эканигидан шу ерда ҳам қандайдир микроорганизмлар яшашга ўрганганлигини пайкаш мумкин.

Водийларда ҳатто Қонли деб аталадиган шаршара бор. Албатта, унда қон ҳам, сув ҳам йўқ. Ўзига хос иқлими ва тупроғининг қизғиш тусдалиги учун олимлар Қурғоқчил водийлардаги ҳаёт шароитларини Марсдагига қиёслайдилар.

ВАНДА КЎЛИ

Ҳатто иқлими ўта аёзли Антарктидада ҳам чинакам курортга йўлиқиш мумкин. Виктория ерида жойлашган Ванда кўли бунга мисол бўла олади. У совуқ саҳрода тўсатдан ям-яшил водийдай кўзга ташланади ва сув остида иссиқ гейзерлар борлигига умид қилувчи саёхатчиларни ўзига жалб этади. Бирок Ванда ҳаёт-бахш жой эмас, бу ерда на балиқ, на сув ости жониворлари, на ўсимликлар бор. Қўлда фақат энг оддий микроорганизмларни учратасиз.

Суви денгизикидан ўн марта шўр. Бу болада ҳатто машҳур Улик денгиз ҳам Ванда олдида ип эша олмайди. Кўл музлар қулқусидан халос бўлганда, бу ерга ажойиб чўмилиш муҳлислари келади. Чунки қўлда сузишни билмайдиган одам ҳам сувнинг ўта шўрлигидан қўкиб кетмайди.

ЖАНУБИЙ ГЕОРГИЯ ОРОЛИ

Жанубий Георгия ороли улкан музликлар, қор қоплаган тоғ чўққилари ва оролчалар орасидаги чиройли кўрғазлари билан кишини лол қолдиради. Биз энциклопедияларда гина расмларини кўрган совуқ кенгликларда яшовчи қирол пингвинлари, улғувор альбатрослар, денгиз мушуклари, тюленлар ва бошқа жониворларни фақат шу ерда учратиш мумкин. Мабодо Антарктида саёхатидан зериксангиз, чорроқ Гротвикен кишлогига борса бўлади. Унга кит овлочилар асос солишган. Улар шинам уйларда истиқомат қиладилар. Кўпдан-кўп гуллар атрофни беэзаб туради.

ЛЕМЕР БЎҒОЗИ

Лемер бўғози хилма-хил шаклдаги ва кўм-кўк тусдаги улкан айсберглар орасидаги ўзига хос «йўлак»дир. Музликларнинг ялтироқ гўзаллиги ҳар йили минглаб сураткашларни ва она табиат гўзаллигини кадрловчи инсонларни ўзига жалб қилади. Улар бўғознинг кўркамлигини суратга олиш учун километрлаб плёнка ва кўплаб гигабайт виртуал хотира майдонини сарфлайдилар. Лекин бирорта ҳам сурат ҳеч қачон ўз кўзингиз билан кўрган гўзалликка тенглаша олмаглигини айтиб ўтиш лозим.

«Туркистон-пресс» мухбири Нурбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Масъулият ҳисси инсонни доимий назоратда тутиб туради.

Фикрни таъқиб этадилару, хаёл билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Болани бир лаҳза ҳам кўздан қочирмаслик керак.

Феъли тор кимсага яхшилик ҳам малол келади.

Бировнинг ҳақи бировда қолиб кетмайди.

Эртани ўйлаган бугун ноҳўя иш қилмайди.

Баъзида ўзинг ўзингга гов бўласан.

Тоққа чиқиш қийин, Чоҳга тушиш осон.

Бир умр йиққанингни бир лаҳзада бой бериш ҳеч гап эмас.

Баъзи одамлар равон юраётган кишининг қоқилишини хоҳлашади.

Олдга ўтганлар орқадигиларнинг ҳасадига нишон бўлади.

Вақт орқасига қайрилиб қарамайди.

Бировники кўп кўринади.

Энг қийини, ўзингга бир йўл очиб олиш. Бир йўл очиб олсанг, кейин ўшандан кетаверасан.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ташкент шаҳрида 5 февраль кунини ҳаво ўзгаришлари, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шимолда шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 8-10 даража совуқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавзусида кўра, 5 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратмайди, тағмиқдори паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 5 февраль кунини ҳаво ўзгаришлари, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шимолда шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади.

Тошкент Оқшом
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 256



Телефонлар: Ёшлар: 233-28-95, Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалари буйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр курсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13075 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 / 5